

## ШАРТНОМА № 75

2022 йил “27”январ

Карши тумани

Низом асосида фаолият юритувчи Карши туман ТЭТК раҳбари Д.Азизов “Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан хамда низом асосида фаолият юритувчи Карши туман ветеринария ва чорвачиликни томондан мазкур шартномани куйидагилар тугрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги уринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истъемолчи”га электр энергиясини уланган тармок оркали етказиб бериш ва “Истъемолчи” истеъмол килинган энергия учун уз вактида хак тулаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий хажми:

Актив 1333кВт.с. реактив кВар.ташкил этади..

Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 599850 (Беш юз туксон түккиз минг саккиз юз эллик) сум, тариф 450 сум буйича ташкил этади.

Тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин) “Истъемолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик хажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

“Истъемолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергиясининг хак туланиши лозим булган хажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг курсаткичлари асосида, хисобга олини приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатта олинган холда аникланади.

Истъемолчиларнинг (манший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташкари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари истеъмолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан утказилади, худудий электр тармокдари корхоналари томонидан бепул урнатилади, пломбаланади ва руйхатдан утказилади.

### ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

Электр энергияси учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик булган “Истъемолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хужаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Ярим тигиз давр - сутканинг ёрут вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) - белгиланган тариф буйича,

тигиз давр - энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда усуви коэффициентни куллаш оркали; тунги давр - сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни куллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кулланиладиган тарифга тугри келади. Табакалаштирилган тариф кулланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кулланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача булган, электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар руйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун туловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар буйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида)

имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш буйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун туловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга инебатан З баробар усуви коэффициента мувофик тулайди.

Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари урнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун туловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи буйича хисоб китоб килинади.

“Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тугагандан сунг Электр таъминоти корхонаси ваколатли билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиккан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг курсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи буйича хисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тугрисидаги хисоботни уз кули билан, факсимил, электрон ёки почта оркали хар ойнинг “ ” санаасигача тақдим этади.

Бунда, туловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар буйича электр энергия сарфи буйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тулик хажмидан ташкари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия хажмлари алоҳида хам курсатилиши шарт.

Электр энергияси учун амалдаги тарифлар узгарган тақдирда, “Худудий электр тармоклари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар <sup>заг</sup>Р<sup>ган</sup> санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси уз кучида килади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб хак тулашга мажбурдир.

Тариф узгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида туланган хажми учун тулов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ булмаган муддатда кушимча тулов тулашдан озод этилади.

Арифметик католиклар, тарифларни нотугри куллаш туфайли пайдо буладиган кам ва ортиқча туловлар тегишли тариф буйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида курсаткичлардаги тафовут ёки кушимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

“Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан хак тулаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тулаш асосида амалга ошириш хохиттини билдириган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни курсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан хак тулаш асосида етказиб берилишига йул куйилади. Олдивдан хак туланмаган хамда 50 фоиз олдиндан хак тулайётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармокларидан тулик узишгача булган чоралар курилади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тугрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидан тулов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тулов хисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гурухларига тегишли булган бир неча объектга эга булса, хар бир тариф гурухи учун тариф курсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот оркали хисоб-фактура ва тулов хисоб-варагини шакллантирилади хамда истеъмолчи тугрисидаги маълумотлар курсатилган холда электрон ракамли имзо билан тасдиқланиб, оператор оркали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Узаро %исоб-китоблар тизгизида электрон шаклдаги уисобварац-фактуралардан фойдаланишини тақомшаштириш чоратадбирлари тугрисида”ги царори)

Хисобга олийтт прибори ушбу шартномага З-иловага мувофик, электр тармокларининг мансублик баланси буйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида урнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори урнатилган жойгача булган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми “Истеъмолчи” билан биргаликда хисоблани йули оркали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада курсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда туловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари курсаткичларини олишга йул куйилмаганда; хисобга олиш приборларйни касдан бузганда, курсаткичларни узгартириш максадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда. Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда танкислик вужудга келганда, аварияларга йул куймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб куйилишининг олдини олиш максадида худудий электр тармоклари корхонаси учирин курсатган холда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларни, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш курилмаларини учирив куйинни талаби бажарилмаганда.

Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

“Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва толов пайтидаги базавий хисоблаш микдорининг ун баравари микдорида толов ундирилгандан сунг тармокга кайта уланади (ЭХДАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

“Истеъмолчи” электр тармокларининг техник холатини таъминлаш буйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи уртасида тузилган алоҳида шартнома буйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тулайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кушишга рухсат этилмайди.

“Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун толов тарифлари куйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Узбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тугрисида” ги УРК, 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан

бир вактнинг узида унда истикомат килган холда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) учун фойдаланган такдирда электр энергияси хакини тулаш ахоли учун белгиланган тарифлар буйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Узбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга курсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига толовларни ахоли учун белгиланган тарифлар буйича тулайдилар.

### ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр курилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармокларига техник шартларга мувофик урнатилган тартибда улаш;

сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофик урнатилган тартибда электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тухталиши ёки тухтатиб куйилиши сабаблари тугрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол киладиган энергия хажмларининг узгартирилиши тугрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини узгартириш буйича таклиф мулжаланаётган узгартиришдан олдин, тегишли микдор учун 100 % толов амалга оширилган такдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тулик хажмда етказиб берилмаслигига ёки сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофик булмаган электр энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун туланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тухтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

тунги пайтлари учун алохиди аникланиб, мутаносиб равища жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тулов хакини ёзиш учун кушиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тулдиради).

Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит буйича истеъмолчининг электр тармоги оркали худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига узатилганда, истеъмолчи тармокларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармогига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидағи технологик сарфларга утказилади.

Электр энергияси сарфи тугрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий микдори буйича ёки утган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг уртacha суткалик амалдаги микдори тугрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади. Бунда хисобга олиш приборлари курсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол килинган электр энергияси учун кайта хисоб-китоб килинади. Кайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргалиқда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари курсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур булганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб куриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тугрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл буйича уз кули билан, факсимил электрон ёки почта алокаси оркали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниклаш учун асос булиб хизмат килади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХДАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги курсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси буйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларо электрон хамкорлик килиш тизимида реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

Шартномада хисоб-китоб даври учун курсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмол килганда, “Истеъмолчи”дан шартномада курсатилган микдордан ортик истеъмол килинган электр энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тулов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси хакини тулаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси кайта хисоб-китоби ва пеня буйича карзи булган тақдирда, унинг аванс тулови хисобига утказилган маблаглари карзни коплашга йуналтирилади ва аванс тулови (олдиндан хак тулаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартиомада курсатилган электр энергияси хажмини тулик истеъмол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тулангандан маблаглар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач карздорлик тулов муддати утган деб хисобланади ва тулов муддати утган хар бир кун учун “Истеъмолчи”га тулов муддати утган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати утган туловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” хар ойда хисоб-китоб даври тамом булгандан кейин беш кун мобайнида узаро хисоб-китобларнинг тақкослаш далолатномасини тузади.

“Истеъмолчи”ни куйидаги холларда электр тармокларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар уз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун карздорлик мавжуд булганда;

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга.

“Таъминотчи корхона” куйидаги хукукларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган уз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш; ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармогидан узиб қуиши;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан хак тулаш курилмасига эга хисобга олиш прибори булган истеъмолчини олдиндан туланган хак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Электр тармоги хужалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан бодлик кечикириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарурати булганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия етказиб беришни тухтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар булмайди.

“Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур: \* “Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоги оркали электр тармокларининг

балайн буйича мансублик булиниш чегарасигача шартномада курсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш; ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, уз электр хужалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш; электр тармоги хужалиги объектларини режали туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида камида 3 кун олдин огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тухтатилиши ва тухтатилиш сабаблари тугрисида хабардор килиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алока воситаси оркали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар оркали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тугрисида, чеклашларни хажми ва вакти курсатилган холда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тулик етказиб берилмаганилиги ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тугрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай куриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

“Истеъмолчи”га урнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш; “Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий хажмига узгартришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини купайтириш (камайтириш) мумкин булмаган тақдирда - бу хакида, рад этиш сабабини курсатган холда, истеъмолчига хабар килиш;

“Истеъмолчи”да урнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва урнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофик булган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга хам эга.

#### ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Электр таъминоти шартномаси буйича тарафлар Узбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар булади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган хакикий зарарни коплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган хакикий зарарни коплашга мажбур.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар булмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай,

электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йул куйганда.

“Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки буйсунуви буйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат килиш.

“Истебъмолчи” конун хужжатларига мувофик бонща хукукларга хам эга.

“Истебъмолчи” куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истебъмол килиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун уз вактида хак тулаш;

ишлатилаётган электр курилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник холатини ва истебъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш, худудий электр тармоклари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тутрисида хабар килиш;

электр энергиясидан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«УзЭнергоинспекциясининг» ёзма курсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларига риоя этиш;

урнатилган тартибда худудий электр тармоклари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга олиш асбобларини куришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидаги бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун 100 % олдиндан тулов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига булган эҳтиёжни аниглашда электр энергиясини электр тармокларидан узатишда, ишлаб чикариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чикариш эҳтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистебъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортик булган “Истебъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг талабига кура куйидагиларни хисобга олиши ва бу хакида хабар бериши шарт:

истебъмол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг ЭНГ куп ва ЭНГ кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг ЭНГ куп юкламасининг утиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВа ва ундан ортик булган истебъмолчилар юкорида курсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чикариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфнинг техник ва интисодий жихатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чикиш - умумий ишлаб чикариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух буйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чикаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (узгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига караб кайта куриб чикиш;

корхона буйича, шу жумладан куп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истебъмолчилар гурухлари буйича электр энергияси балансларини тузиш хамда улар асосида ишлаб чикариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самараасиз сарфланиши ва нероф булишини аниглаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш буйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига булган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия угказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниглаш максадида (маҳсулот ишлаб чикаришнинг, бажариладиган иш турларининг мулжалланавётган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чикиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш буйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш буйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

захира манбани автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан баглик учиринилар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун "Истемолчи" қидида моддий жавобгар булмайди.

Томонлар уларнинг хошиш ва харакатларига баглик булмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда кайтариб булмайдиган ва олдиндан билиб булмайдиган фавкулодда холатларни уз ичига олган енгизб булмас куч (форс- мажор) оқибатида уз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири уз мажбуриятларини тулик ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара утказиш оркали хал килинади. Келишмовчиликларни музокара утказиш оркали хал килишнинг иложи булмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида\* хал килинади.

Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит буйича истемолчининг электр тармоги оркали худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига узатилганда, истемолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истемолчининг электр тармогига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармогига истемолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимиning электр тармокларидаги технологик сарфларга утказилади.

### ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

Шартнома 2022 йил 31 декабргача булган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш буйича ариза бермаган булса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал килиш муддати тугашидан бир ой олдин такдим этилиши лозим.

Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган ва томонларнинг хар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккинчи томонни бекор килиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор килган холда ва томонлар узаро хисоб-китоб килиши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тугрисида хабарнома ёзма равища юборилади.

Барча узgartириш ва кушимчалар, агар улар факт ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган булса, хакикий хисобланади.

Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб - коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан таедикланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари хамда бошқа амалдаги норматив - хукукий хужжатлар талабларига мувофик тартибга солинади.

#### ИСТЕМОЛЧИ:

Карши туман ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлантириш булими  
Юридик манзили Бешкент ш-ри С.Насафий 105 уй  
Хисобраками 100022860102247042133250001  
Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200686272  
Узбекистон Республикаси газначилиги  
Банк Тошкент Марказий банк МФО 00014  
х/р газна 2340200300100001010  
ИНН газна 201122919

Телефонлар, Факс; e-mail:



А.Эшонкулов

#### ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Карши туман Электр таъминоти корхонаси

Почта манзили Карши туман Бешкент шахри  
Хисобраками 22636000700177786344  
Банк коди (МФО) 00854  
ИНН 200666494

Телефонлар: 755721464

Рахбар



Д.Азизов

ЮРИДИК АҲАМИЙАТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: Электр таъминоти түғрисида шартнома.

2. Лойиҳанингноми:

Карши туман ТЭТК ва Карши туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ўртасида умумий нархи 599850 (Беш юз туксон туккиз минг саккиз юз эллик) сумлик электр таъминоти № 75 сонли шартномаси түғрисида

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот Қарши туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2022 йил 26 январда киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсаддага мувофиқ.

Марказ бош юрисконсультант  
2022 йил «27» январь

Ж.Шукуриллаев

